



20

140300, Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Гулобод қо'рг'они Тел/факс 612-55-31 612-55-90

15 у.г. "13" май

№ 655-К Самарқанд т-р Самарқанд

**Фуқаро Ашуров Жамшедга умумий овқатланиш шахобчаси ва савдо дўкони  
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил 25 мартдаги 374-сонли хулосаси, "Қишлоққурилишлойиха" институтининг 2015 йил 26 февралдаги 02-15/29-113-сонли хулосаси ҳамда фуқаро Ашуров Жамшеднинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. МЧ "Гулобод-агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 543 контуридан Фуқаро Ашуров Жамшедга умумий овқатланиш шахобчаси ва савдо дўкони қуриш учун жами 240 кв.м (шундан: 240 га қишлоқ хўжалигида бойдаланилмайдиган ижтимоий бино ва ховли ерлари ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Зохидов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (У. Очиллов)га топширилсин.
4. Тунукага ишлов бериш цехи бино-иншоотларини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 39 ва 54-моддаларига асосан қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Ашуровга топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров